

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
4 ЖИЛД, 1 СОН**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
ТОМ 4, НОМЕР 1**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 4, ISSUE 1**



Бош муҳаррир:

Холбеков Муҳаммадҷон

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Тўхтасинов Илҳом

ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Тахрир хайъати:

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўгли

ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматкул

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт

Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

ф.ф.д. (Грузия)

Юсупов Ойбек

масъул котиб, доцент (Ўзбекистон)

Главный редактор:

Холбеков Муҳаммадҷон

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:

Тухтасинов Илҳом

к.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

Редакционная коллегия:

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умар оглы

д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бакиева Гуландом

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматкул

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Джеймс Форт

Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Балтабоев Ҳамидулла

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Дустмухаммедов Хуршид

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

д.ф.н. (Грузия)

Юсупов Ойбек

отв. секретарь, доцент (Ўзбекистон)

Editor in Chief:

Kholbekov Muhammadjan

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

Tuhtasinov Ilhom

Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

Editorial Board:

Bakhtiyor Nazarov

academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli

Doc. of philol. sci., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova

Doc. of philol. sci., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim

Doc. of philol. sci., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail

Doc. of philol. sci., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed

Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort

University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar

Doc. of philol. sci. (Georgia)

Yusupov Oybek

Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Адабиётшунослик

- 1. Rahmonqulova Zarnigor**
DISTOPIK EKZISTENSIALIZMNI INGLIZ YOZUVCHISI UILYAM
GOLDINGNING “LORD OF THE FLIES” ROMANIDA AKS ETISHI.....6
- 2. Усманова Севара**
ЧЎЛПОН ВА С.РИЧАРДСОН РОМАНЛАРИДА БАДИИЯТ МУАММОЛАРИ.....14
- 3. Yusupova Dildora**
SHOIR SO‘Z AYTGANI KELAR DUNYOGA...(Shoira Halima
Xudoyberdiyevaning hayot va ijod yo‘liga chizgilar).....21
- 4. Қўчқорова Садоқат**
ФОЛЬКЛОРДА ЭРТАКНИНГ ЖАНР СИФАТИДАГИ ХУСУСИЯТИ.....28
- 5. Мажитова Сабоҳат, Ярашов Шариф**
АМИР ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ ВА АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА
«ДИЛ» (ЮРАК, ҚАЛБ) ТИМСОЛИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК МАЙДОНИ.....35
- 6. Джалилова Зарнигор**
ИНГЛИЗ ШЕЪРИЯТИДА ИНСОН СИФАТЛАРИНИНГ ГУЛЛАР
ТИМСОЛИДА ИФОДАЛАНИШИ.....42
- Лингводидактика**
- 7. Khamzaev Sobir, Gilyazetdinov Eldar**
THE PRINCIPLES OF SPEAKING SKILLS’ FORMATION AMONG
STUDENTS OF LINGUISTIC UNIVERSITIES.....48
- Тилшунослик**
- 8. Boygucheva Lola**
THE ROLE OF DISCOURSE ANALYSIS IN MODERN LINGUISTIC THEORY.....54
- 9. Кобилова Азиза**
ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР ЎРНИДА ИШЛАТИЛАДИГАН
ПЕРИФРАЗЛАР ТАҲЛИЛИ (ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....59
- 10. Mamanazarova Gulhayo, Paluanova Halifa**
ISSUES ON OIL AND GAS TERMINOLOGY IN LINGUISTICS.....65
- 11. Melikova Elnora, Abdullayeva Nargiza**
PRIMARY AND SECONDARY PREDICATION.....71
- 12. Saidova Farida**
O‘ZBEK TILI LEKSIK SINONIMLARINING LEKSIKOGRAFIK TALQINI.....77
- 13. Turniyazov Behzod**
FAKTIVLIK ASOSIDAGI KAUZATSIYA.....83


14. Гафуров Бахтиёр АНАЛИЗ ЛИНГВОСТАТИСТИЧЕСКОЙ ХАРАКТЕРИСТИКИ АКЦЕНТНЫХ ФОНОВАРИАНТОВ ИМЕН СУЩЕСТВИТЕЛЬНЫХ РУССКОГО ЯЗЫКА.....	91
15. Ибаев Анвар КОМПАРАТИВ СИНТАКТИК ҚУРИЛМАЛАР ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ЎРГАНИЛИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА.....	97
16. Исмаилов Тургун ПРЕЗИДЕНТ ДИСКУРСИДА HOMELAND КОНЦЕПТИНИНГ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ОРҚАЛИ ТАСАВВУР ЭТИЛИШИ (FREEDOM, LIBERTY ҚАДРИЯТИ МИСОЛИДА).....	103
17. Камолитдинова Вазира ОКСЮМОРОН ВА УНИНГ УСЛУБИЙ - СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ.....	111
18. Нигматова Лолахон ЎЗБЕК ТИЛИ МАХСУС КОРПУСЛАРИ – ТИЛ ВА МАДАНИЯТ МУШТАРАКЛИГИНИ ЎРГАНИШ ВОСИТАСИ.....	116
19. Сабирова Ёъзоа ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРИДА ЎЗЛАШМА ЮРИДИК ТЕРМИНЛАР ТАЛҚИНИ.....	121
20. Сулаймонова Нигора ЗАМАХШАРИЙ ГЎЗАЛ НУТҚ ВА САБР ОДОБИ ҲАҚИДА.....	130
21. Тўева Зулфия, Юлдашева Дилором БАЁН ВА УНИНГ ТУРЛАРИ ҲАҚИДА.....	137
22. Xolova Muyassar BOYSUN SHEVASI ONLAYN MA'LUMOTLAR BAZASI (QIDIRISH VA SARALASH IMKONIYATLARI ASOSIDA).....	146
23. Abdullayeva Oqila Holmo'minovna O'ZBEK TILI KORPUSINI YARATISH BOSQICHLARI VA MUAMMOLI JHATLARI....	153
24. Abdunazarova Zarina Islomovna THE FORMATION OF SPEECH COMPETENCE.....	146
25. Nilufar Abduraxmonova O'ZBEK TILI KORPUSINI YARATISHDA LINGVISTIK ANNOTATSIYALASH TAMOIYILLARI.....	164
26. Shamuradova Naima O'ZBEK VA INGLIZ XALQ MAQOLLARINING QIYOSIY O'RGANILISHI HAQIDA (ASOSIY QISMLARINI QO'LLASH).....	171
27. Яхёева Гулнора Бахтиёровна ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ.....	175

28. Irgasheva Umida INGLIZ TILI DARSLARIDA TALABALAR KASBIY NUTQ KOMPETENTSIYASINI TAKOMILLASHTIRISHDA STEAM TEXNOLOGIYALAR AHAMIYATI.....	179
29. Jumaniyozova Nuriya Axmedovna YURIDIK DISKURS LINGVISTIK TADQIQOT OBYEKTI SIFATIDA.....	184
30. Khayitova Feruza Abdikhalikovna THE PRACTICAL ANALYSIS OF TOPONYMS IN GREAT BRITAIN BASED ON THE STORY OF A. CONAN DOYLE "THE HOUND OF THE BASKERVILLES".....	188
31. Z. Masodiqova, Sh. Xatamqulova O'ZBEK VA NEMIS MAQOLLARINI QIYOSHLASH.....	193
32. Teshaboyev Dilmurod Rahmadjonovich, Axmadjonova Mohinur Bahodirovna SON SO'Z TURKUMINING BOSHLANG'ICH SINF DARSLIKLARIDA IFODALANGAN SHAKLLARINI AKT ORQALI TUSHUNTIRISH.....	193
33. Maxmurova Mavjuda Halimovna METAFORALAR NUTQ SHAKLI SIFATIDA.....	204
34. Nazarov Rustam Irkinovich THE IMPORTANCE OF PAIR WORK AND GROUP WORK ACTIVITIES IN TEACHING ENGLISH IN TECHNICAL UNIVERSITIES.....	210
35. Saidbekova Raykhona Rustambekovna, Ruzmatova Dilnoza Ramatjonova FAMILY PERSPECTIVES IN THE NOVEL "AND THE MOUNTAIN ENCHOED" BY KHALED HUSSEINI.....	217
36. Алижон Раҳматович Қосимов, Хумора Муҳаммадиса қизи Иминова ТИЛНИНГ БИОПСИХОСОЦИАЛ ОНТОЛОГИК МАҚОМИ МУАММОЛАРИ.....	222

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Исмаилов Тургун Салахиддинович
Катта ўқитувчи, Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети, Тошкент, Ўзбекистон
E-mail: turgunismailov@gmail.com

ПРЕЗИДЕНТ ДИСКУРСИДА HOMELAND КОНЦЕПТИНИНГ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ОРҚАЛИ ТАСАВВУР ЭТИЛИШИ (FREEDOM, LIBERTY ҚАДРИЯТИ МИСОЛИДА)

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-1-16>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада homeland концептининг freedom қадрияти орқали президент дискурсида тақдим этилиши қўриб чиқилади. Нутқ материали сифатида Америка президентларидан бири Жорж Бушнинг инаугурация чиқишлари (Inaugural Addresses) ва Конгрессга (State of the Union) йўллаган мактублари танлаб олинди. Эркинлик тушунчасининг энг муҳим америка миллий қадриятлардан бири сифатида президент дискурсида эътироф этилишига асос бўладиган лингвомаданий омиллар таркиби аниқланди. Президент дискурсида халқ, президент ва эркинлик ўртасидаги муносабатларни тахлили қилиш freedom қадрияти америкаликларнинг ўзига хос эркинлигини жаҳон ҳамжамиятига кенг ёйиш, мустақил обод Ватан – Америка Қўшма Штатларини ҳимоялаш ва янада юксалтириш воситаси бўлиб хизмат қилиши лингвистик маълумотлар билан далилланди. Freedom қадриятининг учта моҳияти президент дискурсида намоён бўлиши кўрсатилди: 1) президент ушбу қадриятни homeland концептининг қадриятли элементи сифатида эълон қилади; 2) президент эркинлик қадриятига ватан вазифаларининг стратегиялари доирасида мурожаат қилади; 3) президент америка миллий маданиятнинг соҳиби ва ифодаловчиси ролида ушбу қадриятга америка лингвомаданият учун релевант бўлган қадрият сифатида мурожаат қилади.

Калит сўзлар: homeland, freedom, liberty, dependence, президент дискурси, концепт, қадрият, миллий қадрият, эркинлик, иқтисодий эркинлик, сиёсий, эркинлик, фуқаролик эркинлиги, шахсий эркинлик, АҚШ. Ж.Буш.

Исмаилов Тургун Салахиддинович,
старший преподаватель, Узбекский государственный
университет мировых языков, Tashkent, Uzbekistan
E-mail: turgunismailov@gmail.com

РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ КОНЦЕПТА HOMELAND В ДИСКУРСЕ ПРЕЗИДЕНТА ЧЕРЕЗ НАЦИОНАЛЬНЫЕ ЦЕННОСТИ (НА МАТЕРИАЛЕ ЦЕННОСТЕЙ FREEDOM, LIBERTY)

АННОТАЦИЯ

В этой статье обсуждается репрезентация концепта homeland через ценность freedom в президентском дискурсе. В качестве материалов были выбраны инаугурационные речи (Inaugural Addresses) и письма адресованные Конгрессу (State of the Union) одного из президентов Америки - Джорджа Буша. Выявлен состав лингвокультурных факторов, лежащих на основе признания концепта свободы одной из важнейших американских национальных ценностей в президентском дискурсе. Анализ отношений между народом, президентом и свободой в этом дискурсе было доказано с помощью лингвистических данных, что ценность freedom служит средством распространения уникальной свободы американцев в мировом сообществе, защиты и дальнейшего развития независимой процветающей родины - Соединенных Штатов. Было выявлено три основных понятия ценности Freedom: 1) президент объявляет эту ценность важным элементом концепта homeland; 2) Президент обращается к ценности свободы в рамках стратегии задач родины; 3) президент, как представитель американской национальной культуры, рассматривает эту ценность как ценность, имеющую отношение к американской лингвокультуре.

Ключевые слова: homeland, freedom, liberty, dependence, дискурс президента, концепт, ценность, национальная ценность, свобода, экономическая свобода, политическая свобода, гражданская свобода, личная свобода, АҚШ. Ж.Буш.

Ismailov Turgun Salaxiddinovich,
senior teacher, Uzbekistan state university
of world languages, Tashkent, Uzbekistan
E-mail: turgunismailov@gmail.com

REPRESENTATION OF THE HOMELAND CONCEPT IN THE PRESIDENT'S DISCOURSE THROUGH NATIONAL VALUES (BASED ON THE VALUES OF FREEDOM, LIBERTY)**RESUME**

This article discusses representation of the homeland concept through the value of freedom in presidential discourse. Inaugural Addresses and letters addressed to Congress of one of the American presidents, George Bush, were chosen as the material for the research. The article reveals the composition of linguocultural factors underlying the recognition of the concept of freedom as one of the most important American national values in the presidential discourse. The analysis of the relationship between the people, the president and freedom in this discourse has been proven through linguistic evidence that the value of freedom serves as a means of spreading the unique freedom of Americans in the world community, protecting and further developing an independent prosperous homeland - the United States. Three basic concepts of the value Freedom have been identified: 1) the president declares this value to be an important element of the concept of homeland; 2) president addresses the value of freedom within the strategy of tasks of the homeland; 3) the president, as a representative of American national culture, considers this value as a value related to American linguistic culture.

Key words: homeland, freedom, liberty, dependence, presidential discourse, concept, value, national value, freedom, economic freedom, political freedom, civil liberty, personal freedom, USA, George Bush.

Ҳар қандай маданият асосини қадриятлар ташқил қилиши ҳақида кенг тарқалган қоида замонавий аксиологик тилшунослиқда асосий концепция сифатида қабул қилинади. Бундай қадриятлар қандай бўлмасин ҳаётнинг барча соҳаларида – мулоқотда, турмушда, санъатда, қонунчиликда ва давлат тузумида намоён бўлади [Lipset 1990, Baker 2005, Kingdon 1999, Бабаева 2004; Карасик 2002; 2007].

Ҳар хил турдаги дискурсларда қадриятлар кодификациянинг ҳар хил даражасида ифодаланади [Norris 2004]. Баъзи ҳолатларда қадриятнинг очиқча ифодаланиши унинг

мувоффақияти учун тўсиқ бўлиши ҳам мумкин (масалан, сиёсий ва реклама дискурсининг ҳақиқий мақсадлари – мос равишда ҳокимият ва маҳсулотни сотиш - пардаланади. Нозик таъсир этиш кўпчилик тан олган қадриятларга мурожаат қилишни ва бошқа қадриятларни яширинча юклаб қўйишни назарда тутати. Бошқа ҳолатларда (диний ва педагогик мулоқот) дискурсининг асл маъноси қадриятларни очиқ тасдиқлашдан иборат [Sampson 2000].

Кундалик мулоқот учун долзарб бўлган муомала меъёрларидан фарқли ўлароқ, қадриятларга бевосита мурожаат қилиш институционал, ритуал, идеологик мулоқот учун, масалан, ҳар хил турдаги сийсий дискурс учун кўпроқ характерли [Hofstede 2010, Фомина 2006]. Масалан, сайловолди компанияси пайтида сиёсатчилар, давлатни ривожлантириш йўналишларини муҳокама қилганда, ушбу мамлакатнинг барча фуқораларига яқин ва тушунарли бўлган асосий қадриятларга таянади.

Америка маданий қадриятларининг лингвистик тасвири тегишли маданий концептлар, “оламнинг қадриятли манзараси” билан боғлиқ ҳолда бир қатор тадқиқотларда тақдим этилган [Inglehart 1997; 2005, Hampden-Turner, Trompenaars 1993, Tocqueville 1990].

Alexis De Tocqueville ўзининг “Америкадаги демократия” асарида [Tocqueville 1990] Американинг ўзига хослиги назариясини илгари сурди. Бу назария Бейкер [Baker 2005], Кингдон [Kingdon 1999], Липсет [Lipset 1990] каби тадқиқотчиларнинг ишларида ривожлантирилди. Тадқиқотлар турли йўналишлар бўйича олиб борилганига қарамай, - Кингдон томонидан амалга оширилган федерал ҳукумат даражасидаги кичик лойиҳалардан тортиб, Бейкер томонидан таҳлил қилинган америка қадриятларининг инкирозигача, - уларнинг барчаси Американинг бошқа мамлакатлардан сифат жиҳатидан фарқ қилиши ва бундай фарқни тушунтириш керак деган фикрга кўшилишади. Таъкидлаш жоизки, Америка маданиятининг энг ноёб сифат асосларининг аксарияти ундаги пуритан-протестант мероснинг бир қисмидир. Бундан ташқари, пуритан-протестант қадриятларининг замонавий намоён бўлишлари кўпинча яширин ва автоматик қадриятлар сифатида тавсифланади. Бу ҳодиса Санчес Буркснинг асарларида чуқур ўрганилган [Sanchez-Burks 2002; 2005]. Унинг таъкидлашича, америкалик протестантлар ўзлари билмаган ҳолда меҳнат муносабатларида холисликни белгилайдиган протестант мавкурасига амал қилишади. Ушбу тадқиқотда, протестант бўлмаганлар ва мўътадил диндор америкаликлар анъанавий пуритан-протестант қадриятлари тарафдорларига хос ҳукмларни намоёйиш этган ҳолатларга эътибор қаратиб, меҳнат ўз аҳамияти бўйича ахлоқий қадриятларга тенглаштирилди. Бироқ, Америка президент дискурсида фойда-ланиладиган эркинлик қадриятига бағишланган тизимли лингвокультуро-логик тадқиқот ҳали амалга оширилмаган.

Эркинлик тушунчаси президент нутқларида кўпинча liberty ва freedom отлари орқали амалга оширилади. Ушбу отларнинг семантикасига асосланган ҳолда, уларнинг маъноларини куйидагича фарқлаш мумкин: агар liberty давлатнинг адолатсиз аралашувисиз одамларнинг хоҳлаган нарсани қилишига қонуний ҳуқуқини билдирадиган кўпроқ сиёсий ва ижтимоий йўналтирилган атама сифатида тушунилса, унда freedom одатда исталган нарсани назорат ва чекловларсиз бажариш умумий маъносида кўпроқ ишлатилади. Қизиғи шундаки, нутқларининг катта қисмида сиёсий раҳбар-лар liberty отидан қочиб, freedom тушунчасини ишлатишади. Нутқнинг аниқ ижтимоий хабарига қарамай, президентлар кўпроқ умумий, сиёсий бўлмаган отни танлашади. Буни, биринчидан, давлат раҳбарининг жамиятнинг барча қатламлари учун тушунарли, умумий бўлган лексикадан фойдаланишга ва, бошқа томондан, ўз хабарини янада ишонарли ва шахсий қилишлари учун фуқаролар ҳаётининг шахсий томонига мурожаат қилишга уринишлари билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, лексик бирликларнинг бундай танланиши воқеа аспекти билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин: иқтисодий кризис шароитида фуқаролар, эҳтимол, давлатдан фуқароларнинг хатти-ҳаракатларига қандайдир ижобий аралашувни кутгандан кўра, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, хоҳлаган нарсани амалга ошириш қобилиятидан хавотирда бўлишади. Юқоридагилардан келиб чиқадики, айнан президент нутқнинг мақсадлари ва унинг воқеа компоненти бу ҳолда freedom отини танлашни белгилайди.

АҚШ сиёсий етакчиларидан Ж.Бушнинг иқтисодий инқирозга бағишланган нутқида freedom тушунчаси зикр этилади: People say, are you confident about our future? And the answer is, absolutely. And it's easy to be confident when you're a city like New York City. <...>This is a city whose skyline has offered immigrants their first glimpse of freedom. This is a city where people rallied when that freedom came under attack [Bush13.11.2008]. Ушбу мисолда freedom тушунчаси келажакка бўлган ишончнинг қадрият тушунчасини киритишда ёрдамчи ҳисобланади. Қизиқиш, энг аввало, сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги диалогни қайта тиклашдир. Ж.Буш риторик савол ёрдамида келажакка ишонч мавзусини киритади. Инқироз вазиятида аудиториянинг бу саволга жавоби, шубҳасиз, салбий бўлади. Бироқ, президент “тингловчилар учун масъул”дир. Ушбу усул жамоат онгини бошқаришнинг энг кенг тарқалган стратегияларидан биридир. Кейин президент Нью-Йоркда ўзини ишончли ҳис қилиш осонлиги, чунки айнан шу ерда одамлар озодликка эришганлиги ҳақида гапиради. Биринчи қарашда, келажакка ишонч ва эркинлик каби қадрият тушунчалари ўртасидаги нозик алоқа америкаликлар учун эркинлик тушунчасининг аҳамиятидан келиб чиқади. Айнан шу концепт Америка Қўшма Штатлари ва, кейинчалик америка конституциясини яратиш фалсафасининг асосини ташкил этган.

Б. Обама ўз нутқларидан бирида ўз ватанига бўлган ишончини йўқотган одамлар ҳақида шундай дейди: They have forgotten what this country has already done; what free men and women can achieve when imagination is joined to common purpose, and necessity to courage (Obama 20.01.2009). Эркинлик тушунчаси ушбу мисолда free сифати орқали воқеланяпти. Шу билан бирга, ушбу концепт мустақил қадрият сифатида эмас, балки Американинг гуллаб-яшнаши тушунчасига ишонтириш учун далил сифатида ишлатиладиган қадриятли концепт сифатида киритилган. Американинг эркин фуқаролари образи миллат раванки учун зарур шарт сифатида ишлатилган.

Эркинлик концепти кўпинча Америка учун конституциявий аҳамиятга эга бўлган тенглик, адолат ва бахт каби тушунчалар билан бирга тилга олинади, масалан: 1. We remain a young nation, but in the words of Scripture, the time has come to set aside childish things. The time has come to reaffirm our enduring spirit; to choose our better history; to carry forward that precious gift, that noble idea, passed on from generation to generation: the Godgiven promise that all are equal, all are free, and all deserve a chance to pursue their full measure of happiness [Obama 20.01.2009]. 2. The other system is based on the conviction that freedom is the universal gift of Almighty God, and that liberty and justice light the path to peace [Bush 20.01.2009]. Ушбу мисолларда freedom тушунчаси америка маданиятида қатъий ижобий коннотацияга эга бўлган equal сифати, liberty, justice ва peace отлари, chance to pursue happiness ва gift of Almighty God фразалари каби лисоний бирликлар орқали амалга ошириладиган бошқа тушунчалар билан бир қаторда санаб чиқишларда мавжуд. Ушбу контекст freedom концептининг лисоний воқеланишини қадрият элементи сифатида идрок этилишини таъминлайди. Демак, freedom концепти демократия, тенглик ва адолат билан бир қаторда АҚШнинг энг муҳим миллий қадриятларидан биридир. Ушбу концепт ижтимоий ҳаётдаги муҳим ўрни туфайли жаҳон иқтисодий инқирози воқеалари таъсирида жиддий ўзгаришларга дуч келмайди.

Қадриятли оринтирлар воқеаларга асосланган президент дискурсининг энг муҳим элементиدير. Аудиторияни ўзига жалб қилиш, ҳукумат томонидан илгари сурилган қадриятларнинг муҳимлигини сингдириш, ёки тингловчиларнинг қадриятлари ва идеалларига мурожаат қилиш орқали ҳаракатга чақириш мақсадида президентлар тингловчининг қадриятли кўрсатмаларига мурожаат қилишади. Одатда ижтимоий қадриятлар нутқларда одамларни инқирозга қарши курашишга илҳомлантирувчи шиорлар сифатида тилга олинади. Шахсий қадриятлар эса тингловчиларда ишонч уйғатиш, уларни ўз томонига жалб қилиш ва сиёсатчининг ёқимлироқ образини яратиш мақсадида кўпроқ бошқариш элементлари сифатида ишлатилади. Шундай қилиб, ижтимоий қадриятлар, одатда, очиқ тарзда тарғиб қилинади, аммо тингловчиларга янада самарали таъсир кўрсатиш учун шахсий қадриятлар билан қўллаб-қувватланади. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, инқироз

даврида мавжуд бўлган қадриятлар тизимига кирадиган концептлар тўплами фаровонлик даврининг умумий қадриятлар тўпамидан сезиларли фарқ қилмайди, аммо иқтисодий инқироз пайтида фаровонлик ва келажакка ишонч тушунчалари билан боғлиқ концептлар биринчи ўринга чиқади.

Президент дискурсни лингвوماданий freedom, liberty қадрияти нуқтаи назаридан тасвирлаш, ўрганилаётган лингвوماданиятга нисбатан ушбу қадриятнинг маданий ўзига хослигини аниқлаш ва изоҳлаш homeland концептининг қадриятли таркибини ўрганишда жуда долзарбдир. Охирги вазифа соф сиёсий, иқтисодий, ижтимоий қадриятларга эга бўлган лексемаларда миллий маданий қадриятга эга маъноларни кўриб чиқишни назарда тутди. Шу боис, асосий эътибор homeland (ватан) тушунчасининг таркибий қисми сифатида freedom, liberty қадриятининг Америка президентларидан бири – Ж.Бушнинг нутқларида тақдим этилишига қаратилади. Нутқ материали сифатида Америка президенти Ж.Бушнинг инаугурация нутқи (Inaugural Addresses) ва Конгрессга йўллаган мактуби (State of the Union) кўриб чиқилди. Президент нутқларида воқеланган freedom, liberty қадриятига икки кутбли категория сифатида қаралади, яъни эркинлик қадрияти билан бирга тобелик антиқадрияти ҳам таҳлилга тортилади. Шунга кўра, эркинлик қадрияти – бу Ж.Буш ватан-Америка озодлиги ва фуқаролар эркинлигини таъминлаш учун курашни режалаштиришидир, антиқадрият эса ватан-Америка учун номақбул нарса, бу мамлакат тараққиётига халақит беради. Америка президент дискурсини ушбу йўналишда ўрганиш катта қизиқиш уйғатади, чунки Америка қўшма Штатлари ҳар доим ноёб ва ўзига хос сиёсий ва маданий тарихга эга мамлакат бўлиб келган.

Умуман, freedom, liberty қадриятининг президент дискурсидаги учта моҳият ҳақида гапириш мумкин: биринчидан, президент ушбу қадриятни homeland концептининг қадриятли элементи, яъни кўпинча универсал ҳарактердаги: демократия, озодлик, тенглик сифатида эълон қилади; иккинчидан, у қадриятга ватан вазифаларининг стратегиялари доирасида мурожаат қилади; учинчидан, америка миллий маданиятнинг соҳиби ва ифодаловчиси сифатида президент ушбу лингвوماданият учун релевант бўлган freedom, liberty қадриятига мурожаат қилади. Жиддий маънода, фақат охирги ҳолатдагина маданий қадрият сифатида freedom, liberty қадрияти ҳақида гапириш керак, деб ҳисоблаймиз.

Америка президенти Ж.Бушнинг freedom, liberty қадриятига эътиборининг ошганлигини энг аввало ушбу қадрият белгиларининг миқдорий ифодаси ҳам кўрсатиб туради. Таҳлил қилинган нутқ материалида 168 марта «freedom» тушунчасига мурожаат қилинган. Ушбу ҳисоб-китобларни амалга ошираётганда «freedom» («озодлик»), «liberty» («эркинлик»), «liberation» («озод қилиш») отлари, «free» («озод қилмоқ»), «liberate» («озод қилмоқ») феъллари ва «free» («озод, эркин») сифати эътиборга олинди.

Америка ва умуман жаҳон ҳамжамияти ривожланиши учун, президентнинг фикрига кўра, номақбул бўлган антиқадриятларни тақдим этувчи сўзларни статистик таҳлил қилиш муҳимдир. Америка президенти нутқининг ўрганилган матнларида «freedom» ва «dependence» тушунчаларининг қарама-қарши кўйилиши кузатилади. Президент «dependence» тушунчасига ўн беш марта мурожаат қилади. Ушбу ҳисоб-китобларни амалга оширишда «dependence» оти (қарамлик), «dependent» сифати (қарам) ва «to depend on» феъли («бирон бир нарсага қарам бўлмоқ») эътиборга олинди. Дж. Буш ҳар қандай «dependence»ни салбий баҳолайди, у Америка ва Америка халқи ушбу ҳодисанинг олдини олиш учун тегишли чораларни кўришга тайёр. Антиқадриятнинг яна бир кўриниши «freedom» («озодлик») - «slavery» («қуллик») шаклида намоён бўлади.

Америка президенти “озодлик” ҳақида гапирганда “қадрият” тушунча-сини ҳам ишлатиб, уни қадрият сифатида вербал тақдим этади, қиёсланг: America will always stand firm for free speech. America will take the side of brave men and women who advocate this value around the world [G. Bush, State of the Union Address 2002]. Америка ҳар доим сўз эркинлиги учун қатъий туради. Америка дунё бўйлаб ушбу қадриятни ҳимоя қиладиган мард эркаклар ва аёллар томонида бўлади.

Президент *freedom* қадриятини ҳимоя қилиши ва антиқадриятларга қарши курашиши ҳақида гапириб, уни ўз фаолиятининг мақсади, кураш объекти сифатида тасаввур этади. Таъкидлаш жоизки, мақсад ва вазифаларни шакллантиришда президент нималар учун курашишини (бу қадрият) белгилашади ҳамда нималарга қарши курашиши режалаштирилади (бу антиқадрият). Америка президентининг асосий вазифаларидан бири турли давлатларда “озодлик”ни кенгайтириш ва жадаллаштиришдир. Қиёсланг: 1. Our aim is to build and preserve a community of free and independent nations [G. Bush, State of the Union Address 2005]. - Бизнинг мақсадимиз эркин ва мустақил миллатлар ҳамдўстлигини куриш ва сақлашдир. 2. Our goal is to help others find their own voice, attain their own freedom, and make their own way [G. Bush, Inaugural Address 2005]. - Бизнинг мақсадимиз бошқаларга ўз йўлини топишда, ўз эркинлигини қўллаб-қувватлашда ҳамда уларга ўз ривожланиш йўлида ёрдам беришдир. 3. Our goal is to move toward liberty and we are determined to show the meaning and promise of liberty [G. Bush, Inaugural Address 2005]. - Бизнинг мақсадимиз озодликни жадаллаштириш ва озодликнинг мазмуни ва истикболини аниқлашдир.

Freedom, liberty қадрияти ҳақидаги тасаввурлар президент нутқида лексик ва синтактик жиҳатдан аниқлаштирилади. Синтактик жиҳатдан аниқлаштирилганда президент нафақат “эркинлик” ҳақида, балки иқтисодий, сиёсий “эркинлик” ҳақида гапира олади. Лексик жиҳатдан аниқлаштирилганда тегишли асосий қадриятни англаторча сўзга караганда торроқ, аниқроқ маънога эга сўз ишлатилади. Масалан, Дж.Буш ўз нутқида “эркинлик” тушунчасини аниқлаштириб, фуқароларнинг фуқаролик ва шахсий эркинликларига мурожаат қилади: Today women are free, and are part of Afghanistan’s new government [G. Bush, State of the Union Address 2002]. - Аёллар бугун эркин ва улар янги Афғонистон ҳукуматининг бир қисмидир.

Жорж Буш «*economic freedom*» («иқтисодий эркинлик») ҳақида гапирганда, қуйидагилар у учун айниқса муҳимдир: «*free markets*» («эркин бозорлар»), «*free trade*» («эркин савдо»): In every region, free markets and free trade and free societies are providing their power to lift lives [G. Bush, State of the Union Address 2002]. – Ҳар бир минтақада эркин бозорлар, эркин савдо ва эркин жамиятлар ҳаёт даражасини кўтарадиган кучни таъминлайди.

Америка президенти сиёсий эркинликни ҳам эслатиб ўтади. Ж.Буш Конгрессга мурожаатида (2004) «*free elections*» («эркин сайловлар») ҳақида гапиради: Afghanistan has a new constitution, guaranteeing free elections and full participation by women [G. Bush, State of the Union Address 2004] – Афғонистонда эркин сайловлар ва аёлларнинг сайловларда тўлиқ иштирокини кафолатловчи янги конституция мавжуд.

Шундай қилиб, «*freedom*» оти воситасида президент қуйидаги “эркинлик” турлари ҳақида гапиради: 1) «*economic freedom*» («иқтисодий эркинлик»), 2) «*political freedom*» («сиёсий эркинлик»), 3) «*civil freedom*» («фуқаролик эркинлиги»), 4) «*personal freedom*» («шахсий эркинлик»).

Freedom, liberty қадриятининг темпорал тавсифи, яъни ўтмишда, ҳозирги кунда ва келажакда Америка учун аҳамияти ҳақида гапириб, Америка президенти “эркинлик”ни ҳозирги, ўтган ва келаси замон контекстида эслаб ўтади. Ҳозирги ва келаси замон ёрдамида Жорж Буш “эркинлик”нинг бутун дунёга тарқалишин ҳақида гапиради. Унинг учун “озодлик” нафақат Америка халқи, балки бошқа мамлакатлар аҳолиси учун ҳам муҳимдир. Президентнинг сўзларига кўра, Америка дунёга “эркинлик”нинг маъносини тушунтириб беришга чақирилган: Our generational commitment to the advance of freedom, especially in the Middle East, is now being tested in Iraq [G. Bush, Inaugural Address 2005]. – Бизнинг авлоднинг мажбурияти, биринчи навбатда, Яқин Шарқда эркинликни юриштиришдир; ҳозир ушбу мажбурият Ироқда синовдан ўтказилмоқда. I will defend the freedom and security of the American people [G. Bush, State of the Union Address 2003]. – Мен Америка халқининг эркинлиги ва хавфсизлигини ҳимоя қиламан.

Президент ўтган замондан фойдаланган ҳолда, америка “эркинлиги”нинг узок тарихини кўрсатади: For a half of century, America defended our own freedom by standing watch

on distant borders [G. Bush, Inaugural Address 2005]. – Ярим аср давомида Америка узоқ чегараларни кўриқлаб, ўз эркинлигини ҳимоя қилди.

Freedom қадриятини белгилаш учун Америка президентининг нутқларида ушбу сўз иштирокидаги метафоралар учрайди: 1. By our efforts, we have lit a fire as well - a fire in the minds of men. It warms those who feel its power, it burns those who fight its progress, and one day untamed fire of freedom will reach the darkest corners of our world [G. Bush, Inaugural Address 2005]. – Ўз ҳаракатларимиз билан биз одамлар онгида олов ёқдик. Бу олов унинг кучини сезганларни иситади, у тараққиёт билан курашаётганларни куйдиради ва бир кун келиб озодликнинг бу ёввойи олови дунёнинг энг чекка бурчакларигача етиб боради. 2. We have known freedom's price. We have shown freedom's power and we will see freedom's victory [G. Bush, Inaugural Address 2005]. – Биз эркинликнинг баҳосини билиб олдик, Биз эркинликнинг қудратини намойиш этдик ва эркинликнинг ғалабасини кўрамиз. 3. The attack on freedom in our world has reaffirmed our confidence in freedom's power to change the world [G. Bush, State of the Union Address 2005]. – Дунёдаги эркинликка қарши ҳужум эркинлик кучи дунёни ўзгартиради деган ишончимизни яна бир бор тасдиқлади.

Ж.Буш freedom, liberty қадриятини прецедент ҳодиса сифатида тасаввур қилган ҳолда, прецедент вазиятдан фойдаланади ва ушбу қадриятнинг Америкадаги алоҳида мақомини таъкидлайди. Куйидаги мисолда президент «Declaration of Independence» («Мустақиллик Декларацияси») ва Америка рамзи - «The Bell of liberty» («Озодлик Қўнғироғи») ҳақида гапириб, прецедент номлардан фойдаланади. Қиёсланг: When the Declaration of Independence was first read in public and the Liberty Bell was sounded in celebration, a witness said: it rang as if it meant something. In our time it means something still [G. Bush, Inaugural Address 2005]. – Мустақиллик Декларацияси илк маротаба оммавий равишда ўқилгандан сўнг, Озодлик Қўнғироғи чалинди ва байрам гувоҳи деди: худди бу ниманидир англатадигандек, у жириглапти. Бизнинг вақтимизда ҳам бу ҳали ҳам ниманидир англатади.

Ж.Буш нутқларида freedom, liberty қадрияти тақдим этилишининг миқдор кўрсаткичи

Freedomнинг вербал тақдим этилиши. Қадрият сифатида	Сўз қўлланиш миқдори 168
Freedom муҳимлигини кўрсатиш	11
Freedom – кураш объекти	8
Freedomнинг аниқлаштирилиши	16
Freedom темпорал тавсифи:	
ҳозирги замон	54
ўтган замон	30
келаси замон	84
Freedom - метафора	14
Freedom - прецедентлик	2
Антиқадрият сифатида	
Dependence	15
slavery	5

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ж.Буш homeland тушунчасининг таркибий қисми сифатида эркинлик қадриятига темпорал кесимда - ўтган, ҳозирги, ва келаси замон шаклларида тез-тез мурожаат қилади. Қўшма Штатлар президенти учун асосан эркинлик қадрияти ҳақида гапириш одатий ҳол бўлиб, у антиқадриятини ифодаловчи салбий лексик бўёққа эга сўзлардан кам фойдаланади. Ж. Буш эркинликни бутун дунёга ёйишни ўз олдида мақсад қилиб қўяди. Америка президентининг нутқлари иқтисодий, спорт метафоралари билан ажралиб туради. У эркинлик қадриятига мурожаат қилганда, прецедент номлардан фойдаланади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Бабаева Е.В. Лингвокультурологические характеристики русской и немецкой аксиологических картин мира. Дис... докт. филол. Наук. Волгоград, 2004. – 438 с.
2. Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. Волгоград, «Перемена», 2002. – 476 с.
3. Карасик В. И. Языковые ключи. Волгоград, 2007. – 520 с.
4. Фомина Т. Д. Динамика концепта в политическом дискурсе (на материале выступлений Дж. Буша и Т. Блэра, посвященных второй военной кампании в Ираке). Автореф. дис. ... канд. филол. наук. М., 2006. – 24 с.
5. Baker W. America's crisis of values. NJ: Princeton University press, 2005. - 307 p.
6. Hampden-Turner C., Trompenaars F. The seven cultures of capitalism: Value systems for creating wealth in the United States, Britain, Japan, Germany, France, Sweden, and the Netherlands. New York, NY: Doubleday, 1993. - 405 p.
7. Hofstede G., Hofstede G.J. Culture and organizations: Software of the mind. New York, NY: McGraw-Hill. 2010, - 576 p.
8. Inglehart R. Modernization and postmodernization: Cultural, economic, and political change in 43 societies. Princeton, NJ: Princeton University press, 1997. - 453 p.
9. Inglehart R., Welzel C. Modernization, cultural change, and democracy: The human development sequence. Cambridge, MA: Cambridge University press, 2005. - 344 p.
10. Kingdon J.W. America the unusual. Boston, MA: Worth publishers, 1999. - 111 p.
11. Lipset S.M. Continental divide: The values and institutions of the United States and Canada. New York, NY: Routledge, 1990. - 337 p.
12. Norris P., Inglehart R. Sacred and secular: Religion and politics worldwide. New York, NY: Cambridge University Press, 2004. - 348 p.
13. Sanchez-Burks J. Protestant relational ideology and (in)attention to relational queues in work settings // Journal of Personality and Social Psychology. 2002. № 83. pp. 919-929.
14. Sanchez-Burks J. Protestant relational ideology: The cognitive underpinnings and organizational implications of an American anomaly // Research in Organizational Behavior. 2005. № 26. pp. 267-308.
15. Sampson E.E. Reinterpreting individualism and collectivism: Their religious roots and monologic versus dialogic person-other relationship // American Psychologist. 2000. № 55. pp. 1425-1432.
16. Tocqueville A.D. Democracy in America. New York: Vintage Books, 1990. -480 p.
17. <https://millercenter.org/the-presidency/presidential-speeches/november-13-2008-speech-financial-markets-and-world-economy>
18. <https://millercenter.org/the-presidency/presidential-speeches/january-20-2009-inaugural-address>

СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
4 ЖИЛД, 1 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
ТОМ 4, НОМЕР 1

INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 4, ISSUE 1